



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

Кун ҳикмати

Ўзини  
оқлашни одат  
қилган раҳбар  
халқнинг  
ишончини  
қозона  
олмайди

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@mail.ru



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 8-avgust, shanba, 87 (23.367)-son



Самарқанд шаҳридаги Кимёгарлар шаҳарчасида 20 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Узоқ йиллар эътиборсизлик оқибатида ҳудудда инфратузилма издан чиқиб, аҳолининг яшаш шароитлари ачинарли ҳолатга келиб қолган эди. 2019 йилда ҳудудда бошланган ободончилик ишларидан сўнг, шаҳарча таниб бўлмаган даражада кўркамлашди.



Алишер ИСРОИЛОВ олган суратлар.

## Тест синовлари 2 сентябрдан бошланади

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари 2 сентябрдан бошлаб, 2 ҳафта давомида ўтказилади. Бу ҳақда Давлат тест маркази бошқарма бошлиғи Барно Ражабов 7 август куни АОКАда бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилди.

Қайд этилишича, тест синовлари очик стадионларда, кунига 2 сменада ташкил этилади.

## Ахборот хизматлари хабар беришича...

**Оқдарё туманидаги** "Янгиравот-2" маҳалласида берилган имтиёزلардан оқилона фойдаланиб, моддий аҳолини ўнглаб олган 8 оила камбағаллик рўйхатидан чиқарилди.

**Нуробод тумани** Пўлатчи маҳалласидаги Ёш куч гузарига янги трансформатор ўрнатилди.

**Нарпай туманидаги** Ўзбекистон маҳалласида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "VILLAGE-STROY BUILDING" оилавий корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

**Пайариқ туманида** жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 190 та тадбиркор давлат рўйхатидан ўтди.

**Жомбой тумани** марказида "Afrosiyob jeans" масъулияти чекланган жамияти томонидан янги савдо дўкони қурилди.

## Фармон ва ижро

## 400 минг киши сентябрдан оширилган пенсия ва нафақа олади

Фармон ижросини таъминлашда пенсия жамғармаси туман, шаҳар бўлимлари мутахассислари томонидан қайта ҳисоб-китоб ишлари бўйича дастлабки ишлар бошланди. Бунинг учун пенсионерларимиз пенсия жамғармасига келишлари ёки қўшимча бирор бир ҳужжат тақдим этишлари шарт эмас.

Яна бир маълумот: карантин вақтида ногиронлик пенсияси олиб турган ногирон фуқароларнинг ногиронлик пенсия тўлови муддатлари август ойида тугаганлар қайта кўриқдан ўтиш учун ТМЭК кўригига боришлари шарт эмас. Уларнинг пенсия тўловлари муддати август ойида бир ойга узайтириб қўйилди.

Вилоятимизда 400 минг 248 нафар пенсия ва нафақа олувчи мавжуд. Уларга ўрта ҳисобда ҳар ойда 294 миллиард сўм харажат қилинади. Жорий йилнинг сентябрь ойида бу фуқароларимизга оширилган миқдордаги пенсия ва нафақалар тўлаб берилиши таъминланади.

**З.ЖўРАЕВ,**  
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.

## Институтда янги факультет очилди

Самарқанд ветеринария медицинаси институти Латвиянинг Табиий фанлар ва технологиялар университети билан ҳамкорликда қўшма дастур асосида озиқ-овқат сифати ва инновациялар факультетини ташкил этди.

Институт янги очилган факультет учун 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб бакалавр таълим йўналишига ва магистратура босқичига талабаларни ўқишга қабул қилади. Талабалар «2+2» таълим дастури асосида икки йил Самарқанд ветеринария медицинаси институтида, яна икки йил Латвия университетиде таълим олади. Битирувчиларга ҳар икки олий таълим муассасасини битирганлиги ҳақида махсус диплом берилади.

Озиқ-овқат сифати ва инновациялар таълим йўналишида тахсил олган талабалар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи замонавий лабораторияларда, илмий текшириш институтларида, сифатни назорат қилиш идораларида ишлайди. Ривожланган Европа мамлакатларининг тажрибасини Ўзбекистонда татбиқ этиш ва мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавотларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт-импортни оширишда беvosита иштирок этади.

**Гулчеҳра БЕРДИЁРОВА.**

**Матбуот анжумани**

Вилоят Матбуот уйида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази директори А.Қаюмов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Д.Жуманиёзов ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори Ж.Ризаев иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда вилоятимиздаги коронавирус билан касалланган беморларни аниқлаш ва даволаш борасида олиб борилаётган ишлар, чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди. Шу билан бирга аҳолининг ўз билганича даволаниши оқибатида юзага келаётган ҳолатлар қайд этилди. Беморларни амбулатор шароитда даволаш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган янги йўриқнома тушунтирилди.

## Янги йўриқномадан ХАБАРДОРМИСИЗ?



**Абдурахмон ҚАЮМОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази директори:

Коронавирус инфекцияси юртимизга кириб келганига олти ой тўлаётган бўлса-да ҳали ҳануз аҳоли орасида "Менда инфекция аломатлари бўлса нима қиламан?", "Қаерга мурожаат қиламан?", деган саросима Шунинг учун бугун оммавий ахборот воситаларида бу борада тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда уй шароитида касалликни даволаш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияси асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги йўриқнома тасдиқланди. Унда касаллик

аломатларини ўзида сезган киши дастлаб қандай чоралар кўриши кераклиги батафсил тушунтириб берилган. Бугун аҳоли орасида ваҳимага берилиш ва бунинг ортидан нотўғри даволаниш ҳолатлари учраб турибди. Афсуски, ўлим кўрсаткичлари ҳам айнан ўзбошимчалик билан даволанаётган беморлар орасида кўпайгани статистик таҳлилларда маълум бўлмоқда.

**Давронбек ЖУМАНИЁЗОВ,**  
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи:

Тажрибадан келиб чиқиб, олимларимиз янги даволаш усули, йўриқномани тақдим қилди. Олинган таҳлиллар, муолажалар, касаллик келтириб чиқарган асоратлар ўрганилиб, тасдиқланган мазкур йўриқнома барча клиникаларга тарқатилди. Йўриқномада ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлган гидроксихлорохин дори воситаси қўлланилиши белгиланган. Хўш, негизанки? Чунки коронавирусга қарши тўғридан-тўғри таъсир қиладиган препаратнинг ўзи йўқ. Гидроксихлорохин азитромицин билан бирга яхши самара берди. Шунингдек, витамин Д, С, цинк ва кўпроқ сув ичиш касалликнинг энгил шаклида тавсия қилинмоқда. Бугун юртимизда уйда даволанаётган беморларга 100 мингта ана шундай дори воситалари жамланган қутчалар тарқатилди. Жумладан, Самарқандга 4 мингтаси келтирилди ва поликлиникаларга берилди.

Бугунги кунда вилоятимиздаги беш шифохонада даволанаётган беморларнинг 143 нафари коронавирус инфекцияси билан касалланган, қолганлар нотўғри даволаниш оқибатида келиб чиққан асоратлардан даволаняпти.



Бугунги кунда ўзини ўзи муолажа қиладиган беморларнинг 143 нафари коронавирус инфекцияси билан касалланган, қолганлар нотўғри даволаниш оқибатида келиб чиққан асоратлардан даволаняпти.

## COVID-19 ТАВСИЯ

Ўзингизда касаллик аломатларини сездингизми, унда:

- кўп миқдорда суюқлик ичинг;
- тўғри ва кам-камдан овқатланинг, энгил ҳазм бўладиган озиқ-овқатлар, кунига 400 грамм мева ва сабзавот истеъмол қилинг;
- қўлларингизни ювинг, бошқа кишилар билан мулоқотда бўлганда ниқобни ҳар 3 соатда алмаштиринг;
- кун давомида 3 мартаба энгил жисмоний тарбия ва нафас машқларини ўтказинг.
- дори воситаларини оилавий шифокор назорати остида қабул қилинг;
- мушак ости ва томир ичига юбориладиган дориларни уй шароитида қабул қилманг.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ.

## Ишлатилган НИҚОБЛАРНИ ташляпсиз?

Ишлатилган тиббий ниқоблардан, иложи борица, сақлашни кераклиги айтилмоқда. Чунки вирус зарарлари уларнинг юзасида жойлашиши ва бирмунча вақт яшashi мумкин.

Ниқобларни эҳтиёткорлик билан олд қисмига тегмаган ҳолда олиб, алоҳида пакетга солиб, маҳкамлаб чиқинди қутисига солиш лозим. Ниқобни олгандан сўнг қўлни дарҳол совун билан ювиш ёки антисептик воситалар билан артиш керак.

Гонконг университети олимларининг фикрича, тиббий ниқобларда COVID-19 вируси бир ҳафтагача яшashi мумкин экан. Агар ниқобни коронавирус билан касалланган одам кийган бўлса ва у чиқинди қутисига ташланса, бошқа чиқиндиларни ҳам зарарлайди, уларни тозалайдиган одамлар ҳам касалланади. Аксарият ҳолларда ниқоб ва қўлқоплар асфальт, майсазор ва бошқа ташқи

муҳитда ётади. Уларни зарарсизлантириш жуда муҳим.

Масалан, Хитойда вирус тарқалишининг олдини олиш учун хавфли чиқиндилар сифатида ниқоблар йиғилди. Таиландда ниқобларни йиғиш учун махсус контейнерлар қўйилган. Қозоғистонда ишлатилган тиббий ниқоб ва қўлқоплар учун махсус қутилар ўрнатилди бошланди. Италия ва Бирлашган Араб Амириклариде кўчада ниқоб ташлаганлик учун жарималар жорий этилди.

Бугун Самарқанд шаҳри кўчаларида ҳам қўлқоп ва ниқобларга кўзингиз ташлаш. Агар ниқобларни тўғри келган жойга отаверсак бундан ўзимиз кўпроқ зарар кўраемиз-ку. Ушбу ниқобларни ким тозалайди? Касаллик тарқалишининг олдини олашми деб кўпайишига сабабчи бўлиб қолмаймиз-ми?

**Муниса ШАМСИЕВА.**



**Жасур РИЗАЕВ,**  
Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори:

Касалликни даволаш, пандемия даврида аҳолига тўғри тиббий маслаҳат бериш мақсадида институтимизда 2000 га яқин мутахассис, 229 нафар тор соҳа мутахассислари қайта тайёрланди. Захира кадрларни тайёрлаш учун 72 соатлик ўқув курслари ташкил этилди. Вилоят ҳамшираларни қайта тайёрлаш марказида 900 нафар ҳамшира тайёрланяпти.

Бугунги кунда ўзини ўзи муолажа қиладиган беморларнинг 143 нафари коронавирус инфекцияси билан касалланган, қолганлар нотўғри даволаниш оқибатида келиб чиққан асоратлардан даволаняпти.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Вилоятда 196,9 миллион сўмлик электр энергияси ортиқча сарфланган

Жорий йил май ойида вилоятимизда Олий Мажлис Сенатининг ишчи гуруҳи томонидан "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти ҳамда унинг шахар ва туманлардаги филиаллари фаолияти ўрганилган эди.



Ўрганиш жараёнида вилоят бўйича 156 та эгасиз трансформатор пунктлари мавжуд эканлиги, 2017-2019 йилларда техник йўқотишлар туфайли қарийб 200 миллион сўмга яқин электр энергияси ортиқча сарфланганлиги аниқланган.

Сенат вакиллари келиб ўрганмагунча, наҳотки мазкур муаммоларга ҳеч қандай эътибор қаратмаган? Шунча йилдан бери бу трансформаторлар сарфлаган электр энергиясининг тўлови қанчалик бўлишида қоляпти? Бу бошбошқоқликка жавоб берувчилар борми?

Дарҳақиқат, ўрганишлардан сўнг вилоят бўйича 156 та эгасиз трансформатор пунктлари борлиги маълум бўлди, - дейди «Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти директори Умарали Жўраев. - Ҳозирда ушбу трансформаторлар жойлашган ҳудудлар аниқланди. Уларнинг техник ҳужжатлари расмийлаштирилиб, жамиятимиз балансига қабул қилинди. Шунингдек, ўз вақтида

ҳисобга олинмаганлигига сабаб бўлган омиллар аниқланиб, ортиқча сарфланган 196,9 миллион сўмлик электр энергияси бўйича ҳужжатлар ҳуқуқ-тарғибот органларига тақдим этилди.

Бугунги кунда вилоятда мавжуд электр таянч устунларининг 298 минг 22 таси, яъни 45 фоизи 50-60 йил илгари ўрнатилган симёгочлардан иборат. Президентимизнинг "2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини модернизация-реконструкция қилиш ва янгилаш тўғрисида"ги қарорига асосан мазкур симёгочлар янги темир-бетон устунларга босқичма-босқич алмаштирилмоқда.

Жорий йилда вилоятда қарийб минг километр узунликдаги электр узатиш тармоқларини модернизация қилиш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача, 220,4 километр электр тармоқлари қурилди. Шунингдек, 3 минг 697 дона симёгоч устунлари реконструкция қилинди.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

Муроджон Ўринов Наманганнинг Чуст тумани Олмосовул қишлоғидан. Эсини таниганидан, аввал бобосидан, кейинчалик отасидан деҳқончиликни, озгина ердан ҳам унумли фойдаланишни ўрганган. Йиллар давомида тўплаган тажрибаси бугун унга қўл келмоқда.



Қўшрабортнинг ери БАРАКАЛИМИ?

Ҳар қарич ернинг қадрига етадиган олмосовуллик Муроджон ака қарийб ўн йилдан буён баҳор ва ёз ойларини ўз қишлоғида ўтказмайди. Бошқа ҳудудларда фермерлар билан шартнома қилган ҳолда деҳқончилик қилади ва 4-5 ой давомида пешона тери билан топган 100 миллион сўмга яқин даромади билан қишлоғига қайтади.

Масалан, бу йил у турмуш ўртоғи ҳамда бир ўғил, бир қизи билан Қўшрабортда, "Сарварбек насли чорвалари" фермер ҳўжалигидан 15 гектар ер олиб, меҳнат қилмоқда.

Қишлоғимиз аҳолисининг 70 фоизи деҳқончилик билан шугулланади, - дейди М.Ўринов. - Ҳар бир қарич ер биз учун жуда қадри. 8 йил Қозоғистонда деҳқончилик қилдим. Бу йил, мана, Қўшрабортга келдик. Фермер Боймуҳаммад Тойиров билан келишган ҳолда янги барпо этилган тоқзоридан ниҳоллар орасига полиз ва дуққақли экинлар эдик. Қовун-тарвуз ва бошқа маҳсулотлар ҳосилидан олинмаган даромаднинг тенг иккига бўламан. Бу ерда оладиган даромадимиз келаси йил ҳосил йиғиштириш пайтигача рўзгорни тебратишга, бошқа оруз-ҳавасларга етади, насиб этса.

Қўшрабортликлар асосан узум етиштириш билан шугулланади. Аммо энди тоқ кўчатлари орасига бошқа маҳсулотлар экиб, янада кўпроқ даромад қилишни наманганликлардан ўрганмоқда.

Тўғри, Қўшрабортда тоқ парвариши бўйича уста деҳқонлар талайгина, - дейди Муроджон ака. - Аммо яқин йилларгача тоқ ҳосилга киргунга қадар катта-катта ер майдонларидан самарали фойдаланилмаган. Тоқлар орасига бошқа экинлар экилиши ҳам катта даромад келтиради, ҳам ерга ишлов берилиши натижасида ниҳоллар яхши парваришланади. Бугунги кунда бундай усуллардан фойдаланувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Қўшрабортда ер кўп. Ундан самарали фойдаланишни билиш керак, холос.

Қовун-тарвуз етиштирилаётган майдон негадир бегона ўтлардан тозаланмаган. Бунинг сабаби ҳақида деҳқон Муроджон Ўриновдан сўраганимизда у шундай жавоб берди:

Биз экин эккан майдонлар дашт ҳудуд ҳисобланади. Қуёш нури тарвузнинг бир тарафини сарғайтириб қўйса, унинг сифати бузилади. Айниқса, саратонда гармсел, яъни иссиқ шамол тез-тез эсиб туради. Бегона ўтлар эса иссиқ шамол ва қуёш нуридан ҳимоя қилади.

Айни кунларда Наманган вилоятидан 70 дан зиёд деҳқон оиласи билан Қўшрабортга келиб, ризқини шу кенг даштдан топмоқда.

Уларнинг ердан унумли фойдаланиш тажрибасини маҳаллий аҳоли ҳам ўрганаётгани эътиборли.

Тўлқин СИДДИҚОВ.



Тахририятга жавоб берадилар Тарихий бино бузилиши билан боғлиқ муаммолар

ҚАЧОН БАҲАМ ТОПАДИ?

Газетамизнинг шу йил 2 июль, 72-сонида "Тарихий бино бузилиши ортидаги муаммолар" танқидий мақоласи чоп этилган эди. Самарқанд шаҳар прокуратураси унда таъкидланган муаммоларни ўрганиб чиқди ва қуйидагича жавоб йўллади:



"Аниқланишича, Самарқанд шаҳар Мироншоҳ кўчаси 6-манзилда жойлашган фуқаро И.Ҳамидовга тегишли бўлган тураржой биноси XIX аср охири XX аср бошларида Европа услубида қурилган бўлиб, моддий-маданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган.

"Афросиёб Хосият Бегим макони" МЧЖ томонидан ЮНЕСКО ҳимоясидаги ҳудудда ер қазийш ишларининг олиб борилиши натижасида ушбу объектнинг пойдеворида зиён етказилиб, бир қисми қулаб тушган, оқибатда бино авария ҳолатига келиб қолган.

Ҳолат юзасидан "Афросиёб Хосият Бегим макони" МЧЖ раҳбари О.Ражабов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Тергов натижаларига кўра, Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди 2020 йил 13 январдаги ҳукми билан О.Ражабов, Р.Ражабов, Ш.Абдуқулов, М.Адиллов, Ф.Файзиев, О.Ким, С.Тўраева ва О.Сувоновларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 132-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 4-қисми "а,в" бандлари, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 2-қисми "б" банди ва 243-моддаси билан айбли деб топилган. Шунингдек, судланганлар ва О.Ражабов, Р.Ражабов, Ш.Абдуқулов ва Ф.Файзиевлардан солидар тартибда фуқаро И.Ҳамидовга фойдасига 1 261 119 440 сўм етказилган моддий зарарни ундириш белгиланган.

О.Ражабов ва бошқаларнинг шикоят асосида мазкур жиноят ишини апелляция инстанциясида кўриш 2020 йил 25 февралда бошланган. Бироқ Олий суд Раёсатининг 2020 йил 20 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси судларида COVID-19 коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тўғрисида"ги қарори 2-банди талаблари асосида ишни апелляция тартибда кўриш номаълум муддатга қолдирилган. Бу ҳақда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди фуқаро И.Ҳамидовга 2020 йил 21 майда ёзма жавоб хати юборган.

Шу билан бирга 2020 йил 20 апрелда вилоят маданий мерос бошқармаси томонидан мазкур объектнинг бугунги кундаги ҳолатидан келиб чиқиб, моддий-маданий мерос объектини давлат рўйхатидан чиқариш ёки чиқармаслик масаласини ҳал қилиш бўйича якуний қарор қабул қилиш учун Маданият вазирлигининг Маданий мерос департаментига хат юборилган".

Д.САЙИДҚУЛОВ, Самарқанд шаҳар прокурори.

14 ёшгача болали оилаларнинг барчасига нафақа тўланмайди

Мактаблардаги таъмирлаш ишларида ота-оналар ёрдам бермоқда. Шифохоналарда эса тиббиёт ходимлари мажбуриятдан керакли дори-дармон ва совун кукунларни беморлардан сўрайди. Бунинг учун бюджетдан маблағ ажратилмайдими?

С.ОЧИЛОВ, Самарқанд шаҳри.

Мактабларни жорий таъмирлаш харажатлари учун бу йил бюджет маблағлари ҳисобидан 24,5 миллиард сўм, тежамкор лампалар, супурги, қоғоз учун 5,4 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Шифохоналарга дори-дармон учун жами 85,1 миллиард сўм, қир ювиш харажатлари, совун ва бошқа тозаловчи воситалар учун 777,5 миллион сўм маблағ ажратилган.

14 ёшгача болали оилаларнинг барчасига нафақа тўланадими? И.АБДУЛЛАЕВА, Тойлоқ тумани.

14 ёшгача болали оилаларга нафақа Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги "Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан тайинланади ва тўланади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2020 йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосан март-июнь ойларида мuddати тугайдиган 14 ва 2 ёшгача нафақа ҳамда моддий ёрдам олувчиларнинг тўлов мuddатлари ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмаган ҳолда 6 ойга узайтирилди.

1,9 миллион сўм ойлик олаётган ўқитувчи-га қанча меҳнат таътили суммаси ҳисобланади? С.ТОҒАЕВА, Паст Даргом тумани.

Меҳнат таътиллари ҳисоблаш базавий ҳисоблаш миқдори ўртача иш ҳақи миқдоридан олинади. Умумтаълим муассасаларида ўртача иш ҳақи миқдори 24,5 га бўлиб билан ўртача кунлик иш ҳақи миқдори ҳисобланади. Яъни, агар ўртача иш ҳақи 1 900 000 сўм бўлганда, кунлик иш ҳақи (1 900 000 / 25,4) 74 803 сўм. Ўқитувчиларнинг таътил кунлари 48 кун қилиб белгиланганлигини ҳисобга олсак, 74 803 x 48 = 3 590 551 сўм миқдоридан меҳнат таътили суммаси белгиланади.

Саволларга вилоят молия бош бошқармаси ахборот хизмати мутахассислари томонидан жавоб берилди.



Бугун Самарқанд шаҳрини Кимёгарлар қўргони билан боғловчи Нарпай кўчасидан ўтсангиз бу ерда улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. 4 километрлик йўлнинг эни 20 метрга кенгайиб, 4 поғонали қилиб мукамал таъмирланмоқда. Шунингдек, кўчанинг икки четидан пиёдалар ва велосипедда ҳаракатланувчилар учун йўлаклар қилинди.

Мазкур йўлнинг қурилиш-таъмирлаш ишларида 80 нафарга яқин йўлсозларимиз меҳнат қилди, - дейди «Самарқанд йўллардан фойдаланиш» давлат унитар корхонаси иш юритувчиси Ориф Ҳасанов. - Уларнинг кучи билан 25 минг квадрат метр асфальт ётқизирилиб, 1,5 минг кубометр бетон ишлари бажарилди.

Автойўлчилар Нарпай кўчасидаги 7 та бекат, 4 та светофор, 120 та темир-бетон устунларни тартибга келтириб, электр тармоқлари ва тунги ёритиш чироқлари ўрнатди.

Йўл ёқасида жойлашган «Тўқмонбай» қабристонининг ташиқ фасадида замонавий мозаика шакллари берилиб, атрофига 200 дан зиёд манзарали дархат кўчатлари экилди.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.

Ўзини ўзи банд қилиш

оилавий корхоналар айланмадан солиқнинг 50 фоизини тўлайди

Президентимизнинг жорий йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қўлай шароит яратиш, коронавирус пандемияси даврида даромадидан айрилган юртдошларимизни қўллаб-қувватлашга муҳим қадам бўлди.

Мазкур ҳужжат билан жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибидан ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобил илова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади. Шу тарихқа вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериш тартиби бекор қилинди. Бунинг учун мазкур санадан бошлаб масофадан туриб рўйхатдан ўтиш учун

Давлат солиқ қўмитаси томонидан "Soliq" мобил иловаси ишга туширилди. Бунда иловани Android операцион тизимида ишлайдиган смартфон қурилмасига Play Market орқали юклаб олиш зарур.

Ушбу ҳужжат билан ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатда ишлаган вақтидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи миқдоридан (111 500 сўм) тўлайди ҳамда ушбу сумма тўлиқлигича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади. Бу билан яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади. Ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмайди ҳамда иш берувчига эга бўла олмайди.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шугулланувчи, иштирокчилари

сонли камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилган ставкада тўлайди. Аввалги тартибга кўра, ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари 25 тани ташкил қилган бўлса, мазкур қарор билан уларнинг сони 67 тага етди.

Интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатувчи ёки ишлар бажарувчи ўзини ўзи банд қилган шахслар (фрилансинг) ҳам бир қатор ҳуқуқларга эга бўлди. Жумладан, уларга кўрсатилган хизматлар ёки бажарилган ишлар учун чет элдан жисмоний ва юридик шахслар - норезидентлардан хорижий валютадаги тўловларни ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида тегишли маълумотларни киритмаган ҳолда республикамиз тижорат банкларидаги ҳисоб рақамларига қабул қилиши мумкин. Шунингдек, шартнома

тузмасдан, келишув тўғрисидаги оммавий таклифни (оферта) қабул қилиш ёки электрон ёзишмалар алмашиш ёхуд ҳисоб-китоб фактураларни (инвойс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) ҳуқуқи берилди. Қарорга кўра, жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда юридик шахслар -тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш катта миқдорларда солиқ қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда хабар бериш тартибини қўллаган ҳолда бекор қилинди. Яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш улар давлат рўйхатидан ўтказилаётганда (қайта рўйхатга олинаётганда) тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш жойи бўйича амалга оширилади. Яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унда яқка тартибдаги тадбиркорнинг фотосурати акс эттирилган ҳолда берилди.

Жамшид НАРЗИҚУЛОВ, вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим катта инспектори.



БИРИ МАЪРИФАТ, БИРИ САНЪАТ ДАРФАСИ ЭДИ

«ОЛИМ — миллат тарбиячиси»

адабиётшунос олим, фан арбоби Сайдулла МИРЗАЕВни эслаб



Самарқандда ҳозир ҳам адабиёт муаллимлари устозлари Сайдулла Мирзаевни эслаб туришади. Дарвоқе, домланинг энг охириги шоғирдлари ҳам бу йил пенсия ёшига етди. Демак, илмдан ташқари ҳам нимадир бергандирки, ҳануз ёдга олишади. У кишининг меҳнат дафтарчасида битта манзил – СамДУ бор: 1946 йилда ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди, аспирант, докторант, декан ўринбосари, декан бўлди, кафедрага мудирлик қилди, умрининг охиригача шу ерда фаолият кўрсатди.

«Отам мулла Зиёдулла амир қочиб кетгач, дўсти мулла Эшмурод билан Бухоро мадрасасини сўнгги бир йилини тугатолмай қайтиб келган, деб ёзади домла ўз таржимаи ҳолида. – Армони ушалиши учун уч ўғил, уч қизга ҳам олим маълумот олишимизга имкон берди. Акам Қамариддин туман «Учқун» газетасидан фронтга кетиб, қайтиб келмади. Шу сабабли мен ва укам Муфтилло адабиётни танладик».

С.Мирзаевнинг омади шундаки, у СамДУда Саид Шермухаммедовдек иқтидорли, садоқатли дўсти билан бирга таҳсил олди. Иброҳим Мўминов, Иззат Султон, Воҳид Абдулла каби академиклар назарига тушди. Улар раҳбарлигида аввал номзодлик, кейин докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Ҳаётга, фанга, ижодга муносабати ҳам ана шу улғуф инсонлар сафида, тарбиясида шаклланди.

С.Мирзаев ўз даврининг фидойи, жўшқин олимларидан бири эди. Адабиётдаги ҳар бир янги асар юзасидан ўз вақтида ва эътибор билан муносабат билдирарди. Бундан ташқари, устоз 25 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзди. Улардан «Ўзбек адабиёти тарихи» (1978 й.), «Ғоя ва образ» (1980 й.), «Ўзбек романчилиги» (1997 й.), «Мустақиллик даврида ўзбек адабиёти» (1999 й.),

«Ҳаёт ва адабиёт» (2001 й.), «Мустақиллик ва адабиёт ҳақида янгича қарашлар» (2004 й.), «XX аср ўзбек адабиёти» (2006 й.) ўз даврида мутахассислар ва жамоатчилик томонидан эътироф этилди.

Дарвоқе, шу ўринда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг домланинг 70 йиллиги муносабати билан йўллаган табрик мактубидан қуйидаги парчани келтиришни лозим топдим: «Адабиёт ва ҳаёт» китобингизни диққат билан ўқиб чиқдим. Бу китоб саҳифаларидан Сизнинг бутун борлигингиз кўриниб турибди. Унда ижоди ширага тўлган, кузатишлари аниқ ва тиниқ олимнинг суврати намоён бўляпти. Қайси бир олим ёки ёзувчи тўғрисида гап айтсангиз, худди капалакни ушлагандек авайлаб, эҳтиёт қиласиз. Бу албатта адабиётга, ижодга бўлган буюк ҳурматдан, деб биламан. Айниқса, «Ўзбек романчилиги», «Ўзбек романларининг туғилиши ва тараққиёт босқичлари» боблари ниҳоятда синчковлик билан кузатиш меваси эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур».

Сайдулла Зиёдуллаевич бир умр ўзи туғилиб ўсган Қарнабога қишлоғи билан гурурланиб яшаган бўлса, биз чўл бағридаги кишвар масканимиздан етишиб чиққан

биринчи профессор билан шу қадарлик фахрлини юрганмиз. Негаки, домлада иқтидор эгаларига, тарбияли инсонларга алоҳида эътибор бор эди. Турли тадбирларда ўзини кўрсатган ёки асари газетада чоп этилган ёшларни топиб, албатта ўқишга даъват этар, давраларга чорларди. Талабаларнинг ижодини кузатиб, уларни руҳлантиришдан эринмасди. Оқилжон Ҳусанов, Нормурод Нарзуллаев, Барот Бойқобилов, Омон Матжон, Аҳмад Аъзам, Ўткир Раҳмат, Олқор Дамин, Суръат Орипов ана шундай муносабатдан баҳраманд бўлган, десам хато бўлмас. Шу сабабли домлага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. Мустақиллик йилларида эса «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди.

Сайдулла Мирзаев том маънодаги олим ва зиёли эди. Ўзининг «Олим – миллат тарбиячиси», деган ҳаётий ақидаларга риоя этиб яшагани учун ҳам ҳамкасблари, жамоатчилик ва талабалар ҳар бир даврада у кишининг ҳурматини жойига қўйишарди. Айниқса, домла раҳбарлигида номзодлик ёки докторлик илмий тадқиқотларини олиб боришни истаганлар кўпчилик эди. Устоз ўз шоғирдларига талабчан бўлиш баробарида уларга ниҳоятда меҳрибонлик кўрсатарди.

Аслида устоз табиатан шундай инсон эди. Ҳеч ким у кишининг ясама ҳаракат қилганини, ёлгон гапирганини эшитмаган. 60 йил Матлаб ая билан бахтли яшади. Оилада доимо маърифат устун бўлган. Шу сабабли уйда отасининг таниқли адиблар билан илм-фан тўғрисидаги суҳбатларини кўриб улғайган фарзандлар ота изидан боришди. Баҳридин тиббиёт, Рустам сиёсат фанлари доктори бўлди.

– Мен Сайдулла акадан беш йил таҳсил олдим, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродов. – Ҳар бир дарсини янги бадий асар ҳақидаги маълумот билан бошларди. Газеталарда домланинг ҳар ойда битта янги мақоласини ўқирдик. Кейинчалик бирга ишлаш жараёнида у кишининг маҳорат йўлида тинимсиз ишлашига, вақтинда қадрига етишига, ҳамкасблар, шоғирдлар ютуғидан чин дилдан қувонишига кўп бор гувоҳ бўлганман. Адабий давралардаги дадил чиқишларини эшитганман. Домла ҳақида бундай илиқ, самимий сўзларни вилоятдаги кўплаб зиёлилардан эшитиш мумкин.

Сайдулла Зиёдуллаевич 15 йил давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига жамоатчилик асосида раислик қилди. Кўнги таскини шулким, устоздан бугунги авлодга, ҳамкасбларига давр руҳини муҳрлаган тадқиқотлар, китоблар, яхши фазилатларидан ҳосил бўлган эзгуликлар, аниқроғи, ибратли ҳаёт мактаби қолди.

С.Мирзаев ҳаёт бўлганида бугун 90 ёшга тўларди. Маданият, адаб, санъат ҳафталиклари даражасида Самарқандга келган таниқли адиблар, санъаткорлар билан қишлоқларда ижодий учрашувлар уюштирди. 2015 йилда «XX аср ўзбек адабиёти» китобини Москвада рус тилида нашр эттириб, адабиётимиз тарғиботига муносиб ҳисса қўшди.

Фармон ТОШЕВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Муштарий илҳому

Дорилфунуним

Минг йиллик маъволар силсиласида, Илм-у маърифатнинг юксак дояси. Самарқанд тарихин оинасида, Озод орзуларнинг пиллапояси – Дорилфунуним.


Қанча боболарнинг руҳи бор сенда, Қанча эзгуликлар тетапояси. Устозлар наздида муқаддима-ю, Шогирдлар наздида йўқ ниҳояси – Дорилфунуним.

Соҳибқирон Темур, Мирзо Улуғбек, Бу юрт ер юзига валилар тутган. Сен ҳам улуғларнинг қутлуғ бешиги, Бағрида буюклик ундирган юртсан, Дорилфунуним.

Ҳануз кезинаман, тафаккур нури, Дилга ошно ижод, ишқ ёбонида. Ҳалиям боладек югуриб юрар, Ҳисларим СамДУнинг хиёбонида. Дорилфунуним.

Сўнг тавоф этаман остонасини, Сабоғин тепамаг этганча соя. Мангу таъзимдан она масканим, Ҳурмат, муҳаббатим толмас ниҳоя. Дорилфунуним!..

Жумагул СУВОНОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Ўзбекистон халқ артисти Таънаберди Қурбонов агар ҳаёт бўлганида бугун қутлуғ 85 ёшини қаршилаган бўларди. Касалик тўғрисида 2015 йилда вафот этди. Аммо маҳорат билан ижро этган роллари миллий санъатимизда ўчмас из бўлиб қолди. Адабиётшунос олим Исроил Мирзаев 1996 йилда бетакрор актёр ҳақида «Фидойи» номли китоб чоп эттирган. Унда ўз даврининг фидойи санъаткори Таънаберди Қурбоновнинг ҳаёт ва ижод йўли, актёрнинг севиинч ва изтироблари ҳақида ҳикоя қилган эди. Қуйида ушбу китобдан парча ўқийсиз.

поклик, садоқат ва гўзалликка ошно қилиш, санъатда анъанавийлик ворисийлик ҳамда давомийликни кўз-кўз қилиш эди. Таънаберди бошқа ўнлаб актёрлардан фарқли ўлароқ, Отеллони меҳрибон, оққўн-гил, барча зиддиятлари билан, бир мунча босиқ, таъсирли ва файласуфона ижро этди. Унинг қаҳрамони ақл-заковати орқасидан саркарда

Отелло образи галериясини янги жиллолар билан бойитгани рост.

«Мирзо Улуғбек» фожиаси ҳам сахналаштириш учун беҳуда танланмаган. Асар муаллифи – ўзбек адабиётининг улкан вақили. Таънаберди учун Тошкентда маънавий оталик қилган. Шогирднинг гувоҳлик беришича, Мақсуд оға Шукур Бурхоновнинг ақин дўсти, ошхўрликда ажралмас улфати бўлган ва улар паловхонтўрага уннашганда Таънаберди ўчоққа ўт қалаган, баъзида устоз Ғафур Ғулум ҳам шу улфатлар суҳбатини аланга олдириган. Бинобарин, ана шу руҳий туташлик ёш йигит учун бўлғуси узоқ йиллик шогирди муридлик занжирини маҳкам боғланишига олиб келган. Энди ўйланг, Таънабердидай содиқ шогирд устозларидан руҳан узоқ туриши, уларнинг йўлидан юрмаслиги, улар ўйнаган ролларни ижодий ёндашиб, сахнага олиб чиқмаслиги ёхуд уларнинг асарларини ўз театрида қўймаслиги мумкинми?! Асло!

Демак, Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси – Таънабердининг орзусига айланган қолганди, уни Самарқанд сахнасида жонлантирмас, Улуғбек Мирзо қиёфасига кириб, юртдошлари билан мақсудона мулоқот қилмас, улкан армон бўларди-да. Худди шундай, Шукур Бурхоновнинг доно Сулаймон отасини, мард исёнчи Рустамни, жасур Фердинандини, ориятли ва мағрур Жалолиддинини, аллома ва одилош Мирзо Улуғбегини янги поғоналарга кўтариб талқин этмаса, етук санъаткор – шогирд учун кеңирилмас фарз ва қарз бўлиб қоларди-да!

«Мирзо Улуғбек» фожиаси ўзбек адабиётининг дурдонаси, жаҳон драматургиясининг мумтоз намуналари билан бўйлашадиган трагедия. Инсон даҳоси, шахс буюклиги, илм-фан

қудрати, салоҳиятидан дарс берувчи, шу билан бирга, тарих зиддиятлари, эзгулик ва маърифат сари курашларнинг аёвсизлиги ҳаққоний тасвирланган асар. Улуғбек Мирзонинг ёрқин ва мукамал характери Таънаберди Қурбонов талқинида театр ижодкорлари учун эталон ва зифасини ўтади.

Таънаберди Қурбоновнинг шахсий кутубхонаси, сон-саноксиз хатлар, телеграммалар, дастхатлар билан танишар эканмиз, диққатимизни фавқуллода бир ҳолат тортади. Ҳайратланарлиси шундаки, унга билдирилган ҳамма фикрлар бир нуқтада бирлашадди: уларда асосан «катта одам», «фидойи инсон», «содиқ ва чин дўст», «тенгсиз, улкан санъаткор», «истеъдодли артист», «куйинчак раҳбар», «адолатпарвар», «меҳри дарё», «бағрикенг инсон» каби сўз бирикмаларини учратасиз. Бу не ҳол? Тасодиғи? Қонуниятми?

Шунчалик турфа одамлар: устозлар, шоиру ижодкорлар, унинг дўстлари бир ҳақиқатни, бор ҳақиқатни тақорлаганлар, дилдан изҳор қилганлар. Улардан биргиниси – ўзбек халқининг улкан, бетакрор санъаткори Шукур Бурхоновнинг дастхатини ўқиб кўринг-а: «Таънаберди, сенинг қалбинг пок, поклигича қолсин! Актёр ўз замонининг жарчиси, ўз халқининг сўф хизмат қилгин. Мен сенда ўз Рустамимни, ўз Фердинандимни, ўз Жалолиддинимни, Мирзо Улуғбегимни кўряпман. Фидойи санъаткор бўлиб қолгин...»

Устознинг 1960 йилларда қилган башорати йиллар ўтиб исботланди. Таънаберди Қурбонов 1970 йиллар санъатининг йирик намоёнасига айланди.



Ўз замонининг ЖАРЧИСИ



бўлган Аббор Ҳидоятловдан сўнг асарнинг Самарқандда сахналаштирилиши ва Отелло ролига Таънаберди Қурбоновнинг журъатини қандай баҳолаш лозим?

Гап «Отелло» Самарқанд театрида қўйилди, деган мақтанишда эмас, албатта. Тўғри, бундай шох асарни ўз театрида сахналаштириб, ундаги бош қаҳрамон образини яратиб, ўз театри ва актёрларнинг бўй-бастини белгилаб олиш ҳаммиша орзу-армондир. Лекин самарқандликлар «Отелло»нинг замонавий талқини, ҳасад ва иғвогарлик, фитнес ва мунофиқлик авж олаётган, даврнинг Яғолари кўпаяётган бир пайда томошабинни эзгулик,

даражасига етган, гўзал овруполик маликанинг муҳаббатини қозонган, садоқатли ва довурак инсон тарзида гавдаланади.

Шу билан бирга, ёвузлик, душманлик, фишқ-у фасод, рашк-ҳасадни келтириб чиқарган, ростгўйлик, ҳалоллик, тиниқлик, гўзалликнинг рақибни – қора кучлар хоҳияти, илдизи очилади. Асарни бизнинг давримизда сахналаштиришдан асосий мақсад инсон вужудида иккита қарама-қарши кутб – яхшилик ва ёмонлик, ҳар бир танда раҳмоний ва шайтоний хусусиятлар мавжудлигидан одамларни яна бир бор огоҳлантириш эди. Иқтидорли санъаткор Таънаберди Қурбонов

Таънаберди Қурбонов – маҳоватли характерларнинг талқинида тенги йўқ санъаткор. У яратган Рустам, Эзоп, Сулаймон ота, Отелло, Мирзо Улуғбек сиймоларини бир эсланг. Актёр хассос иқтидорини, жозибали санъати қудратини ана шу характерларни талқин қилишда кўрсата олган. Фигейредоннинг «Бадбашара» (Эзоп) ва Шекспирнинг «Отелло»сида мужассамлашган мумтоз Ғарб драматизми ва инсонпарварлик, Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» ва Ўлмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз» асарларида нурланиб турган донишмандлик ва улғуворлик, Умаржон Исмоиловнинг «Рустам» ва Мар Бойжиевнинг «Дуэл» асаридаги ахлоқ ва маънавий поклик, Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» ва Хайридин Султоновнинг «Зархувознинг бўйлариди» драматизми давр дарди ҳамда замон фожиаларининг хоҳияти мохир актёр ёрдамида асардан, сахнадан одамлар қалбига кўчади, томошабинлар шуурида муҳрланиб қолади. «Отелло» - жаҳон драматургиясининг гултож асарларидан бири сифатида машҳур. Шарқ-у Ғарб бадий тафаккури ва донишмандлигини қоршиштириб, синтезлаштириб юборган мазкур фожа Тошкентда қўйилиб, катта шухрат топди. Отелло образи талқини билан Шекспир ватани – Англияда ҳам таниқли

Zarafshon AMARKANDSKIY ESTNIK

МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 10 823 нусхада чоп этилди. Бюджетма 437



КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56. МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи. Газета "Зарифшон" тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МҶБ босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ. Навбатчи: Т.СИДИҚОВ. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ. Сотишда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X 9 772010 1667009